

Кейинги Уришларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фаргона вилояти ИИБ помидан Низом асосида иш курувчи бошлиги М.У.Жураев бир томондан, кейинги Уришларда «Лойихачи» деб юритиладиган «Фаргона Комфорт Лойиха» МЧЖ помидан (устав,низом) асосида иш юритувчи раҳбари Р.Каримов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКСининг 686-692 моддалари, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Курилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01), ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартнома ишларини тўздилар.

1.Шартнома маззуси

1.1. Мазкур шартномага асосан лойихачи “Текущий ремонт промывной уборной на территории ГОВД Маргилан Ферганской области,Текущий ремонт промывной уборной на территории ГОВД г.Кувасай Ферганской области,Текущий ремонт помещений подвального этажа Административного здания под архив и склады здания УВД Ферганской области,Текущий ремонт здания КПП и приема посетителей на территории УВД Ферганской области” ишларига смета ҳужжатларини тайёрлаб беради

(лойиха номи)

2.Шартнома буйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 63 000 000(олтмиш уч миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати узил-қесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: -қурилиш қийматини қупайтириш енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- Ишлар ҳажми буюртмачи томонидан узгартирилганда;

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлади ва -барча ишларни тулик ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари ва/ёки жалб қилинган қучлар билан тасдиқланган КМК қоида ва қулланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асослашиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади: Мухандис билан бажариладиган ишлар босқичларини келишади, бажарилаётган ишлар ҳақида муҳандисга ахборот тақдим қилади.

3.2. Буюртмачининг рўхсатсиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бермайди.

4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома буйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш. Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома буйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида авансни ўтказиши.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, тегишли манзилли дастур буйича маблағлар ажратилганидан сўнг ишлар шартномавий жорий қийматининг миқдорида амалга оширилади.

5.3. Пудратчи бажарган ишларга мазкур шартнома буйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

6.Ишларни бажариш

6.1. Буюртмачи бажариладиган ишларга муҳандис тайинлайди. Мухандис бажариладиган ишлар босқичларини келишади, пудратчи бажарилаётган ишлар ҳақида ахборот тақдим қилади.

-Мухандис Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

7.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8. Қафолатлар

8.1. Пудратчи: - барча ишларни тулик ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини қафолатлайди;

9.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

9.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

9.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиха ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи

миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

9.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

9.4. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

9.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг ҳулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

9.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

9.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

9.8. Вилоят ҳокимининг объектга маблаг ажратилиши юзасидан фармойиши кечикканлиги сабабли буюртмачи туловларни амалга ошира олмаганлиги учун пудратчи олдида мулкнинг жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

9.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига қура буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тулик ёки қисман мумкин бўлмай қолса мажбурият тулик ёки унинг тегишли қисм бекор бўлади.

9.10. Ушбу шартнома уч нусхадан тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармаси (булими) да белгиланган тартибда рўйхатдан утгандан сунг қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади

10. Низоларни ҳал қилиш

10.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда районлараро иқтисодий суди томонидан қўриб чиқилади.

11. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Буюртмачи»

«Пудратчи»

Фаргона вилояти ИИБ

ООО «Фаргона Комфорт Лойиха»

Фаргона ш. А.Навоий 13 уй

город Фергана ул. Мустақиллик 46/7

х/р 23402000300100001010

х/р 2020 8000 2004 0365 7001

Марказий банк Тошкент ш. ББ

АЖ «Зираатбанк»

МФО 00014 ИНН 201152350

МФО: 00395 ИНН: 303 097 233

ШХР 401010860304017199996179001

ОКОНХ: 66 000



Бўлимчи

М.У.Жураев



Рақбари

Р.Каримов

